

МАРКАЗИЙ СУҒДНИНГ МУДОФАА ИНШООЛАРИ

Аҳмадалиев Камрон Тўхтасин ўғли

Бухоро давлат университети талабаси

Илмий раҳбар : Болтаев Бобир Бахтиёрович

т.ф.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10808431>

Суғд Марказий ва Узоқ шарқ минтақасининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган. Бу ҳолат Суғднинг қулай географик нуқтада жойлашганлиги, халқаро савдо, иқтисодий муносабатлардаги фаол иштироки ва ижтимоий-маиший маданияти юксаклиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий жараёнларида ўзига хос ўринга эга бўлиб келган Суғд бўйича зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам учрайди. Худуд ўтмишда бир неча бор дунё маданияти марказларидан бири даражасига етган Турон заминнинг марказий қисми, хусусан Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари бўйлаб жойлашган қадимий деҳқончилик воҳаси ҳисобланади.

Маълумки, илк темир даврининг дастдлабки босқичига келиб, Сўғдиёнанинг жанубий худудларида ўтроқ деҳқончилик маданияти қарор топа бошлаган. Сўғдиёна худудларида илк темир даврига оид ёдгорликлар бир хил суратда ривожланмаган. Бу даврга оид ёдгорликлар кўпроқ учрайдиган ва яхши ўрганилган воҳа Қашқадарё ҳисобланади. Зарафшон воҳасида эса Афросиёб, Лолазор ва Кўктепаларнинг қуйи қатламларида бу даврга оид моддий топилмалар қисман сақланган[1].

Милoddan аввалги VIII асрнинг охири - VII аср бошларга келиб Ўрта Осиёнинг жанубидаги, манзилгоҳлар ривожланишида жадаллик билан ўзгаришлар бошланиб Бақтрия ва Сўғдиёна худудларида ўзида шаҳарсозлик белгиларини (муस्ताҳкам деворлар, саройлар, буржлар, хандақлар, девордаги ўқ отиш йўлаклари ва бошқ.) акс эттирувчи манзилгоҳлар пайдо бўлган. Илк темир даврига оид бундай манзилгоҳларнинг сони Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёнада 20 тадан зиёдроқни ташкил этади[2]. Асосий манзилгоҳлар эса (майдони 5 гектардан кам) қишлоқ кўрғонлари, унча катта бўлмаган алоҳида қалъалар ва деҳқончилик қишлоқларидан иборат бўлган.

Умуман, Сўғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари ҳам дарё воҳаларида алоҳида шаклланади. Бу анъанани Қашқадарё воҳасида аниқ кўриш мумкин. Бу ерда илк темир даврига оид бир неча воҳаларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Манзилгоҳларни ҳажми ва вазифаларига кўра қуйидаги типларга ажратиш мумкин.

1. Арк ва мудофаа деворларига эга бўлган йирик шаҳар харобалари
2. Қишлоқлар
3. Мудофаа деворлари билан ўралган алоҳида вазифаларини бажарувчи манзилгоҳлар, кўринишидан ибодатхона[3].

Сўғд воҳасининг илк темир даври йирик кўҳна шаҳарларидан бири Афросиёбдир. Барчамизга маълумки, кўҳна шаҳар Ўрта Осиёнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври тарихидаги энг муҳим ўрин тутган катта шаҳарлардан ҳисобланади. Шаҳар Самарқанд шаҳри яқинидаги Сиёб дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Афросиёб Сўғднинг марказий шаҳри юнон-рим тарихчиларининг асарларида келтирилган Мароқанданинг ўрни ҳисобланади.

Афросиёбнинг замонавий топографик харитасига назар ташласак, шаҳарнинг 4 айлана девори ажралиб кўриниб туради. Улардан биринчи ва тўртинчи айланалари анча қадимий ҳисобланса, иккинчи ва учинчи мудофаа деворлари сўнги антик даври ёки илк ўрта асрларга тегишли ҳисобланади[4].

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида биринчи халқа деворини қуришда блоксимон ғиштлардан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Мудофаа деворининг тўртинчи халқаси кузатиб ўрганилганда “аҳамонийлар деворидек” девор қурилишида ясси бўртик ғиштлардан ишлатилган девор қолдиқлари топилган. Бундай стандарт ғиштларни қадимги Афросиёб шаҳрининг кўп ҳудудларидан кузатишимиз мумкин. Девор қурилишида лумбозсимон усуллардан фойдаланилган. Бу ердаги энг қадимги девор Афросиёб ҳудудида шаҳар пайдо бўлишидан анча олдин яшаган қадимги аҳоли томонидан қурилган.

References:

1. Исамиддинов М.Х. Источники городской культуры Самаркандского Согда.-Т.2002 г. 40 с.
2. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи.-Т. 2006 й.138 б.
3. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. –Тошкент.2006. 7-8 б.
4. Исамиддинов М.Х. Источники городской культуры Самаркандского Согда.-Т.2002 г. 65 с.